

## ХАЛҚ МАНФААТИГА ДАХЛДОР ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР

Президент ташири  
таассуротлари

Давлатимиз раҳбари Бухоро аҳлининг турмуш ҳаётини янада яхшилашга хизмат қилувчи ғоялар, ташаббуслар, маблағлар билан вилоятга ташриф буюрди.



### «ОЁҒИМИЗ ОСТИДА» ИМКОНИЯТЛАР БИСЁР

Мамлакатимиз етакчиси Ғиждувон туманида вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича муҳим вазифаларни белгилашга қаратилган йўналишда Ғиждувондаги ўзгаришларни эътироф этди. Умуман Бухоро вилояти ҳаётида содир бўлаётган ислохотларни халқ манфаатларига хизмат қилувчи омил, дея баҳолади. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда вилоят иқтисодиёти 1,5 баробар ўсиб, 53 триллион сўмдан ошган, аҳоли жон бошига 26 миллион сўмни ташкил этган. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишда 4 минг 600 та корхона ташкил этилиб, 90 мингга иш ўрни яратилган. Экспорт 215 миллион долларга етган.

- Иқтисодиётни изчил ривожлантириб, яна иш жойлари очиб, ёшларни билимли ва касб қилиш бўйича ҳали кўп ишлаш керак. «Оёғимиз остида» имкониятлар турибди. Улардан фойдаланиб, 544 та маҳалладаги 2 миллиондан зиёд аҳолининг шароитини янада яхшилаш зарур. Бунинг учун ҳар бир тизим ҳар куни меҳнат қилиши, изланиши керак, - деди Президент.

лар орқали июнь-декабрь ойларида 78 минг аҳолининг бандлигини таъминлаш мумкин.

Электр техникаси тармоғида бу йил Бухоро шаҳри ва Қоровулбозорда 50 миллион долларлик 3 та йирик қувват ишга тушади. Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод қурилади. Бухоронинг тарихий қисмида зарғарлик маркази ташкил этилади. Инвестиция лойиҳалари инфратузилмасига 200 миллион сўм ажратилиши белгиланди. Нагжида 405 миллион долларлик 5 та лойиҳанинг ишга тушиши тезлашади.

Бухорода йилига 5 миллион хорижий турист келиши учун шароит яратилмоқда. Шаҳар марказида Бокий Бухоро маданий этнографик парки ва янги аэропорт қурилиши бошланди.

Ишсиз, кам даромадли ва чет элда қийналган одамларга муносиб шароит яратиб, уларни ишли қилиш ҳоқимлари ва сектор раҳбарлари учун стратегик вазифа экани таъкидланди. Шу боис Бухорода бу йил кичик бизнесга 5,9 триллион сўмга қўшимча яна 2,1 триллион сўм кредит берилиши айтилди. Бухородаги кичик бизнес, туризм ва сервис учун яна 100 миллион доллар алоҳида ажратилди. Бу-

Шу билан бирга, вилоятдаги 30 та тарихий ёдгорликни таъмирлаш бўйича кўрсатма берилди. Зарғарлик маркази бўйида сайилгоҳ ташкил қилиш, Тудакўл сув ҳавзаси бўйида дам олиш масканларини қўпайтириш зарурлиги айтилди.

Йўналишда ҳоқимлар ва сектор раҳбарларнинг ахбороти, тадбиркорларнинг тақлифлари эшитилди.

### ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, ТАРИХГА ҲУРМАТ ИФОДАСИ

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд — ислом оламнинг энг машҳур авлиёларидан бири, нақшбандия тариқатининг асосчиси. Етти пир силсиласининг бу йирик намоёниси мангу кўним тоған маскан нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун ҳам муқаддас қадамжолардан биридир. Когон туманидаги Қасри Орифон қишлоғида жойлашган маъмур зияратгоҳ асрлар давомида шаклланиб, гўзал меъморий мажмуа, сўлим масканга айланди.

Президентимиз Бухорога ҳар гал сафар қилганида ташрифи мана шу мажмуа зияратидан бошлайди. Бу гал ҳам Шавкат Мирзиёев анъанасига амал қилди. Бу ерда Куръон оятлари тилов қилиниб, халқимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо қилинди. Зиярат асосида мажмуада амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилди.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маскан янада обод қилинаётгани ниҳоятда қувонарли. Токи миёна дарвозасидан борувчи тарихий йўлак тилангани натижасида зияратчилар ислом оламнинг буюк вақили Баҳоуддин Нақшбанд макбарасига суннатга мувофиқ қиёба тарафдан кириб бориш имконига эга бўлдилар. Дарвозанинг икки ёни боғга айлантилган. Мўзей ва таҳоратхона барпо этилган. Дониёлбий мадрасаси ҳам қайта тикланмоқда.

- Ҳозир биринчи босқичда 12 та кўп қаватли уй, мактаб, болалар боғчаси, поликлиника фойдаланишга топширилган. Президентимиз шу ерда маҳалла вакиллари билан суҳбатлашди. - Маҳаллада «еттилик» ҳамфиқр ва ҳамжиҳат бўлса, ишсизлик, жиноят бўлмади. Бунинг учун уларда етарли ваколат бор. Мутасадди ташкилотларни жалб этиб, одамларнинг даромад топишига ердан бериш керак. Мактабда

Президентимиз ташаббуси билан бутун Қорақўл туманида амалга оширилаётган ислохотлар самараси туманининг илғор иқтисодий ривожланган ҳудудлар қаторига қўшиди. Туман янги замонавий киёфаси, кўркем бунёдкорлик иншоотлари, кундан-кунга кўпайиб бораётган маҳалла қишлоқлари, тобора гурқираб иш қилинаётган иқтисодиёт тармоқлари билан мамлакатда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Илгари номи бору ўзи дерили йўқ бўлиб кетиш арафасида турган қорақўл теги саноати ҳудудда қайтадан жонланди. Қорақўл математика мактаби халқаро мактаб мақоми

«Қорақўл» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилганидан кейин ҳудуд саноати жадаллашди. Ундаги заводларда келгусида минглаб одамлар ишлайди. Колаверса, юртимизнинг бошқа ҳудудларидан ҳам мутахассислар келиб, шу ерда фаолият бошлайди. Уларга қулайлик, муносиб турмуш шароити яратиш мақсадида иқтисодий зона яқинида янги массив бунёд этилмоқда.

### «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» МАССИВИ НИМАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

Лойиҳа икки босқичли бўлиб, 1 минг 380 хонадонли 71 та кўп қаватли уй, таълим ва тиббиёт муассасалари, маҳалла маркази ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши кўзда тутилган.

Ҳозир биринчи босқичда 12 та кўп қаватли уй, мактаб, болалар боғчаси, поликлиника фойдаланишга топширилган.

Президентимиз шу ерда маҳалла вакиллари билан суҳбатлашди.

- Маҳаллада «еттилик» ҳамфиқр ва ҳамжиҳат бўлса, ишсизлик, жиноят бўлмади. Бунинг учун уларда етарли ваколат бор. Мутасадди ташкилотларни жалб этиб, одамларнинг даромад топишига ердан бериш керак. Мактабда

таълим сифатидан хабардор бўлиш, битирувчиларни олиқ таълимга, даромадли хўналарга йўналтириш зарур, - деди давлатимиз раҳбари.

Атрофни, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Келгусида ҳудудда истироҳат боғи ва сузиш ҳавзалари ташкил этилади. Бўш майдонларга дарактар экилиб, хиббонга айлантилари.

Бухоролик нуронийлар ижтимоий давлат тамойили асосида жойларда инсон манфаатлари таъминланаётганини айтишди. Замонавий мактаб ва институтлар ташкил этилиб, болалар таълим-тарбиясига имкониятлар кенгаймоқда. Аҳолининг саломатлиги доимий назоратда.

Иқтисодий-ижтимоий дастурлар натижасида туманларга саноат кириб бораётти, маҳаллар обод бўлмоқда. Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишга кенг йўл очилган.

Сайхунбод тажрибаси асосида иқтисодий комплекс ташкилотлари камбағал оилалар билан манзилли ишлаб, уларнинг даромад топишига кўмаклашмоқда. Томорқалардан самарали фойдаланилапти.

Булар юртимиздаги тўқинлик ва фаровонлик, ижтимоий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлаётгани таъкидланди. Нуронийлар Бухорода ишга туширилаётган ва қурилаётган корхоналарнинг аҳоли бандлигидаги аҳамиятини қайд этиб, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

### «ҚОРАҚЎЛ» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИДА ИЛК ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

Қорақўл - вилоятнинг энг чеҳра ҳудудларидан бири. Узок йиллар давомида саноат, қурилиш ва умуман иқтисодий ривожланишнинг турли йўналишларида сўнгги поғоналарда бўлган туманлардан. Саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари жуда камлиги боис ишсизликдан қорақўлликлар узок йиллар азият чеккан. Ўз-ўзидан бу аҳолининг турмуш даражасига ҳам таъсирини кўрсатмай қолмади. Пахта, ғалла, чорва, полиз, пиллачилик сингари қишлоқ хўжалиги йўналишлари туманининг асосий тармоқларига айланиб қолган эди.

Президентимиз ташаббуси билан бутун Қорақўл туманида амалга оширилаётган ислохотлар самараси туманининг илғор иқтисодий ривожланган ҳудудлар қаторига қўшиди. Туман янги замонавий киёфаси, кўркем бунёдкорлик иншоотлари, кундан-кунга кўпайиб бораётган маҳалла қишлоқлари, тобора гурқираб иш қилинаётган иқтисодиёт тармоқлари билан мамлакатда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Илгари номи бору ўзи дерили йўқ бўлиб кетиш арафасида турган қорақўл теги саноати ҳудудда қайтадан жонланди. Қорақўл математика мактаби халқаро мактаб мақоми

«Ерпире» корхонаси Қорақўл эркин иқтисодий зонасида ишга туширилган илк замонавий корхона. Ушбу ишлаб чиқариш объекти Президент Шавкат Мирзиёевнинг

Бухоро вилоятига ташрифи арафасида фаолият бошлади. Президент корхона фаолияти билан танишар экан, айнан шу ерда Бухорога ташрифидан қўзланган асосий мақсадни очиклади.

- Бугун Бухорога келишимиздан мақсад 2 миллиондан зиёд аҳолининг турмушини яхшилаш, даромад манбаи яратиш, камбағалликни қисқартириш, - деди давлатимиз раҳбари. - Вилоятнинг кўп жойида экин экиш учун ернинг шўрини ювиш керак. Шунинг учун биз кўпроқ саноатга эътибор беряймиз. Мана шу заводни ҳам нима учун қурдик? Бундай қурувларни олиб келиш учун кўп пулимиз йўлга кетарди. Бугун яна янги иншоотлар қурилишини бошлаймиз. Уларнинг атрофида бир неча корхоналар, иш ўринлари пайдо бўлади. Пировад натижада одамларнинг уйга бруглик, ишонч ва умид қиради. Ана шу умид бизларни бирлаштиради.

Маълумотларга кўра, маъмур

корхонанинг умумий қиймати 58 миллион долларни ташкил этади. Лойиҳа тўлиқ хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилмоқда. Корхонага Хитой, Туркия, Нидерландия ва Испаниядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилиб, йилига 300 минг тонна металл қувурлар ишлаб чиқариш ташкил этилмоқда. Эътиборли жиғати шундаки, илгари бундай маҳсулотлар, асосан, хориждан олиб келинган ва ташинида қувурлар ҳажми кўп жой эгаллагани учун нархи ҳам қимматга тушган. Эндиликда турли калинликдаги металллардан шу ерда маҳсулот тайёрланаётгани самараси Улароқ таннаҳ 25 фоиз арзонлашди.

- Айти чоғда корхонамизда 400 дан ортик киши доимий иш билан банд, - дейди корхона раҳбари Суннатилло Саттаров. - Қорақўлда чўл бағрида шунақа корхонанинг қурилиши Президентимизнинг Бухоро аҳлига меҳрлари натижаси, деб айта олам. Энг муҳими, бу ерда асарият миграциядан қайтган фуқаролар, айниқса, ёшлар

иш билан таъминланган. Лойиҳанинг навбатдаги босқичини амалга ошириш учун ишлар бошлаб юборилган. Хусусан, босимга бардошли турли ҳажмдаги резервуарлар ишлаб чиқарилиши, яна 500 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Лойиҳа тўлиқ қувват билан ишласа, 121 миллион долларлик маҳсулотлар тайёрлаш имкони туғилади.

Давлатимиз раҳбарининг воҳага ташрифи ортидан яна бир неча йирик энергетика ва транспорт мажмуаларининг қурилишига старт берилди.

Яқин йилларда яна учта йирик иншоот - газ-кимё мажмуаси, қуёш электр станцияси, Бухоро халқаро аэропорти қурилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Президент раъзий тумани босиб, ана шу мажмуалар барпо этилишига старт берди. Бу старт тумаси бухороликлар турмуш даражасини янада ошириш учун қўйилган ниҳоятда йирик қадамлардан биридир.

Умуман, давлат раҳбарининг ушбу сафари бухороликлар ҳаётида ўчмас из қолдирди. Зотан, Президентнинг Бухорога ҳар гали келиши аҳоли ҳаёти ва турмуш даражасини оширишдаги энг муҳим ривожланиш босқичларини белгилаб бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

«Ishonch» муҳбири Дилдора ИБРОХИМОВА тайёрлади.



## ЮТҚАЗГАНЛАР БЎЛМАДИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Олтинкўл тумани кенгаши тармоғига қарашли касб-хунар мактабларидаги ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси кубоги учун спорт мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.

«Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида ўтган беллашувларда иштирокчилар спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси ва шахмат-шашка турларида куч сиなしди. Яқунда тумандаги 1-касб-хунар мактаби жамоаси кубокни кўлга киритди.

Мусобақада соғлом турмуш тарзига амал қилган, спорт билан мунтазам шуғулланган жамоаларнинг кўли баланд келди, дейди ушбу муассаса бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раиси Зиёдбек Самадов. Қолаверса, спортни кундалик ҳаёт тарзига айлантирган ўқувчи ва ўқитувчиларимизнинг ўзлаштириши, иш унуми ҳам юқори. Шунинг учун ҳам ютқазганлар бўлмади.

Ғолиб ва совриндорлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилшодбек ХАЙДАРОВ,**  
Агросаноат мажмуи ходимлари  
касба уюшмаси Олтинкўл  
тумани кенгаши раиси

\*\*\*

## КУБОК ЎЗ ЭГАЛАРИНИ ТОПДИ

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Жиззах вилояти бошқармаси мини-футбол бўйича «Раҳбар кубоги»нинг навбатдаги босқичини ўтказди. Унда туман, шаҳар «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази ходимларидан иборат 13 та жамоа иштирок этди.

Кизгин ва мурасасиз кечган баҳсларда биринчи ўрин вилоят бошқармасига, иккинчи ва учинчи ўрин эса Арнасай тумани ҳамда Ғаллаорол тумани «Инсон» ижтимоий хизматлар марказига насиб этди.

\*\*\*

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши ҳамда вилоят ёшлар ишлари бошқармаси, туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича «Ёшлар ишлари бошқармаси ҳамда касабаси уюшмаси кўшма кубоги» мусобақаси ўтказилди.

Яқунда Зарбдор тумани жамоаси тенгсиз деб топилди. Иккинчи ўринни Зомин тумани жамоаси, учинчи ўринни Жиззах шаҳри жамоаси кўлга киритди. Ғолиблар диплом, қимматбахо совға ҳамда кўча кубог билан тақдирланди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ**  
«ISHONCH»

### Ички туризм

Тошкент вилояти ички ишлар ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси бир гуруҳ ходимларни Хоразм вилоятига уч кулик саёҳатга юборди.

Хоразм вилоятига биринчи марта келишим, дейди майор Сарвар Умаралиев. Айниқса, Ичан-қалъа менда катта таассурот қолдирди. Умуман, Хивани таърифлашга ҳожат бўлмаса керак - ҳар бир объектнинг қурилиш архитектураси, дизайни алоҳида мактовга лойиқ.

Ички ишлар бош бошқармаси ҳамда бирлашган касабаси уюшмаси кўмитасига ташаккур.

Саёҳатга онамни ҳам олиб бордим, дейди майор Одилжон Турсунов. Роса хурсанд бўлди. Шу ишнинг ташаббускорларини узоқ дуо қилдилар.

**Охунжон МУСТАҒОЕВ,**  
Тошкент вилояти ИИББ  
Ахборот хизмати  
катта мутахассиси,  
лейтенант

«ТАШАБУСКОРЛАРГА ТАШАККУР!»

# Ҳаётнинг ҳар ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ



«ЎЗИМИЗНИ ЎНГЛАБ  
ОЛДИК»

Нукус шаҳридаги 58-маҳалла фуқаролар йиғини худудда жойлашган шериклик асосидаги хусусий мактабгача таълим ташкилоти 2019 йилда фаолият бошлаган бўлиб, ҳозир 30 нафардан зиёд тарбияланувчиси бор.

Олий ўқув юртини тугатиб, қайси ишнинг бошини тутсам экан, деб иккилашиб анча юрдим, дейди мазкур мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Равшан Қидирниязова. Чунки мутахассислигим бўйича иш ўрни йўқ эди. Уша вақтда ёш тadbirkorларга берилаётган имтиёзлар ҳақида эшитиб қолдим. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, маҳалла раиси Жангелди акага учрашдик. У кишига тadbirkorлик билан шуғулланиш, хусусан, мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилиш ниятимиз борлигини билдирдик. Раис мурожаатимни жон деб қабул қилди ва ҳуж-

жат жамлаш ишларида кўмак берди. Орадан тўрт-беш ой ўтиб, банкдан кўнгирак бўлди - кредит масаласи ҳал бўлган экан. Дастлабки ишни маҳалладаги кам таъминланган болаларни қабул қилишдан бошладик, секин-аста бошқа болалар ҳам кела бошлади. Банк томонидан берилган 100 миллион сўм кредит эвазига хоналарни таъмирладик, жиҳозладик, кам-кўстимизни ўнглаб олдик. Кейинчалик болалар сонини ортигани хисобига яна 30 миллион сўм кредит олиб, кўшимча хоналарга жиҳозлар, қаравотлар харид қилдик, ўйин майдончаси барпо этдик.

Болалигидан болаларга меҳри бўлакча Равшан университетнинг инглиз тили йўналишини тугатган. У ташкил этган мактабгача таълим масканида рус тили, гимнастика, ментал арифметика, инглиз тили тўғрақлари мунтазам фаолият юритади. Нуржамол Алламуратова, Гулсара Ибрагимова, Камшат Кенгесбаева, Камила Муратбаевалар тарбия борасида ўзига хос ёндашадиган етук мутахассислардан.

### «СЎЗ БИЛАН ИФОДАЛАБ БЕРОЛМАЙМАН»

Тахиятош туманининг «Найманкўл» овул фуқаролар йиғини худудда истиқомат қилувчи Гулжамила Атамуратова ҳам «Аёллар дафтари» сабаб ҳаёти ўзгарганлардан бири.

Беш йиллар давомида юрагимда санчик бўлиб, мазам қочиб юрди. Оилдан ортиб даволанишнинг имкони бўлмади, дейди у. Аммо дард ўтиб кетмади. Кучайгандан кучайиб, тўшакка ётиб қолдим. Дардли жонимга «Аёллар дафтари» оро кирди. Туман оила

ва хотин-қизлар бўлими мутасаддилари аҳолини ўрганиб чиқишга, менга 25 миллион сўм ажратилишини маълум қилишди. Тошкентда муолажа амалиёти олдим. Ҳозир аҳолини яхши. Бу орада менга субсидия ҳисобидан 10 миллион сўм эвазига қандолат маҳсулотлари пиширишга мўлжалланган печка, совутич, миксер беришди. Ҳарна бўш ўтирмай, ўз-ўзимни банд қилдим. Эндиликда нафақат оилавий аҳолини тикланди, балки кўни-кўшни, овул-элни қандолат маҳсулотлари билан таъминлаб келяман. Тўй-ҳашамларга пишириқлар тайёрлайман. Меҳнатнинг таги роҳат деганлари рост экан, яшаш шароитимиз яхшиланиб борапти. Қолаверса, ўғлим Жубатхан II гуруҳ ногирони. У ҳам 3 марта жарроҳлик амалиётини бошидан кечирди. Қувонарлиси, операция маблагини давлатимиз томонидан қоплаб берилди. Жубатханнынгувончини кўрсангиз эди, ўзида йўқ хурсанд. Олдинлари ўртоқлари олдида ўзини ноқулай сезарди. Ўғил бола эмасми, сездирмасликка ҳаракат қилар, аммо кўнгли ўксирди... Уни кўриб кўлим калталигиндан баттар эзилардим. Мўъжиза рўй бердию, ташвишлар ариди. Ҳар гал ўғлимнинг кўзларидаги қувончини кўрсам, қалбим шукроналикка тўлади. Президентимиз томонидан эҳтиёжманд оилаларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларни ўз оиламисолида кўраётганимни сўз билан ифода-лаб беролмайман.

### УНИНГ ИШИ ЖУДА КЎП

Тахиятош тумани 2-сектор худудида яшовчи Салима Ўтарова, тақдир тақозоси билан, аввал кулоғи эшитмай, кейин эса гапира олмай қолган. II гуруҳ ногирони.

Аммо ҳаётга ташна бу аёл тиниб-тинчимайди. Бўш қолди дегунча, кўни-кўшни, ҳатто кўшни маҳалладагиларнинг кўрпа-тўшаги, кийим-кечаги, астар-чоки борми, буюртма олди дегунча, дарров битказишга шошади. Шу вақтгача буюртмаларини у қўлда бажарар эди.

Салима Ўтарова «Аёллар дафтари»га рўйхатга олиниб, Нукус шаҳридаги Мономарказда тикувчилик бўйича 3 ой ўқитилиб, сертификатга эга бўлди,

### «Аёллар дафтари»ни варақлаганда...



дейди Тахиятош тумани оила ва хотин-қизлар бўлими мутахассиси Гулзира Қурбонбоева. Давлатимиз томонидан эҳтиёжлари инобатга олиниб, кир машина, совутич ва бошқа уй-рўзгор буюмлари берилгани аёлнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Айниқса, субсидия ҳисобидан тоқти тикув машинаси билан таъминлангач, оғири енгиллашиб, кўркмасдан буюртмалар қабул қилишга киришди.

Ҳозир Салиманингуиши жуда кўп. Буюртмачилари навбат пойлаб туришади. Бу унга берилган ишонч мевасидир.

### ХУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

Бўзатовлик Нурсулв Пренова 15 йилдан буён тикувчилик билан шуғулланиб келмоқда. Асосан қорақалпоқ миллий либосларини тикиш билан шуғулланаётган моҳир тикувчининг шогирдлари ҳам ўзидан қолишмайди.

У ҳам «Аёллар дафтари» сабаб ҳаёти ўзгарганлардан бири. Овулдаги ўзи тенги ишчи ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил қилган чевархонасида бутунги кунда иш қизгин. 2023 йилда 33 миллион сўм кредит ҳисобига турли машиналар харид қилиб, ўз ишини йўлга қўйган Нурсулв устоз-шогирд анъанасини давом эттириб келмоқда.

\*\*\*

Бу ҳаётнинг синовлари кўп. Шундай дамларда биргина далда инсон ҳаётини яхши томонга ўзгартириб, нурафшон кунларга етаклаши мумкин. «Аёллар дафтари» ана шундай мадад вазифини бажараётганини кўряпмиз. Хайрли ишлар бардавом, яхши ташаббусларнинг бошида турганлар омон бўлсин.

**Фотима АБДУРАИМОВА**  
«ISHONCH»

### Конференция

Тошкент давлат иқтисодий университетини касабаси уюшма кўмитасида навбатдан ташқари конференция ўтказилди. Унда 60 нафар делегат ва бошқалар иштирок этди.

### КАСАБА УЮШМАСИГА ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

Конференцияда университет касабаси уюшма кўмитаси фаолиятига оид ташқилий масалалар кўрилди. Касабаси уюшма кўмитаси таркиби ва тафтиш комиссиясини қайта шакллантириш, раис ва унинг ўринбосарини сайлаш, низомини тасдиқлаш шулар жумласидан.

Кун тартибидagi масалалар бўйича очиқ овоз бериш йўли билан тегишли қарорлар қабул қилинди. Касабаси уюшма кўмитаси раислигига Акбарали Аҳмедов, унинг ўринбосари лавозимига эса Айбек Абдуллаев сайланди.

**Амир АҲМЕДОВ**



### Ёзги соғломлаштириш

## «ОЛТИАРИҚ»ДА ФАЙЗЛИ МАВСУМ

Олтиариқ туманидаги «Олтиариқ» болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавсумнинг илк дам олувчи ўғил-қизларини бағрига олди.



Оромгоҳда жорий мавсумга пухта тайёрлик кўрилиб, болажонларнинг мириқиб дам олиб, таътилни таассуротларга бой ўтказиши учун барча шароитлар яратилган. Биринчи навбатда, ётоқ бинолари таъмирланди, футбол майдонининг ҳолати яхшиланди, чўмилиш ҳавзаси тўлиқ таъ-

мирдан чиқарилди. Очиқ майдондаги амфитеатр обод қилинди.

Сўлим гўшада болажонларнинг спорт билан шуғулланиши, истеъдодини юзага чиқариши учун тўғарақлар ташкил этилган.

Мен бу йил оромгоҳга синглим билан келдим, дейди Эъзозахон Юнуса-

лиева. Биринчи кунданок кўплаб дўстлар орттирдик. Ҳозир дугоналарим билан инглиз тили тўғарагига қатнашяпмиз.

Оромгоҳимиз яна болажонларнинг шўх-шодон кулгиси билан файзга тўлди. Дам олувчиларнинг ҳар томонлама ўйнаб-қулиши, билмларини мустаҳкамлаши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган, дейди «Олтиариқ» оромгоҳи раҳбари Дилшодбек Исломов. Бу йил беш навбатда 500 нафар ўғил-қиз мириқиб хордик чиқаради.

Бундан ташқари, масканда болажонларнинг қизиқишига қараб тўғарақлар ташкил этилган. Болалар адабиётлари, эртак ва шеър қитобларига тўла кутубхона дам олувчилар ихтиёрида.

**Жамшид ЭРҒАШЕВ**  
«ISHONCH»



### Тадбир

«Чинобод» санаторийсидан «Янги Ўзбекистонда дўстлик ва бахтли болалик учун» шиори остида маърифий тадбир бўлиб ўтди.

## ДЎСТЛИК ВА БАХТЛИ БОЛАЛИК УЧУН

Тадбир доирасида қатор мавзуларда танловлар уюштирилди. Хусусан, «Санъат сеҳридаги беғубор болалик» композицион чиқишида болажонлар расм чизишда ўз маҳоратларини намойиш эттишти. «Рақс санъатида беғубор болалик» композицион чиқишида эса барчада катта таассурот қолдирган «Кўзмунчоқ» ансамбли ёш иктидорлари тадбирнинг энг фаол жамоасига айланганини.

Муҳими, ишчи-ҳодимлар ва дам олувчилар фарзандлари ўзларининг турфа чиқишлари, ноёб қобилиятлари билан барчанингуҳавасини келтириб, янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий баркамол авлодлари эканликларини яна бир бор исботлашди.

**Абдувахоб ТОҶИЕВ,**  
«Чинобод санаторийси»,  
МЧЖ Маънавият ва  
маърифат кенгаши  
масъул котиби

Нуктаи назар



## Инсон ҳуқуқларига содиқлик намунаси

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, «ИНСОННИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОХОТЛАРДА ЭНГ МУҲИМ ҲАМДА ТУРАДИ. 2030 ЙИЛГАЧА МЎЛЖАЛАНГАН БАҲРАБОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАР БИР ИНСОННИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНОФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИ КЎЗДА ТУТАДИГАН «ҲЕЧ КИМНИ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛДИРМАСЛИК» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.**

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 дан зиёд халқаро ҳужжатга, шу жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ҳамда 4 та Факультатив протоколига қўшилган ва уларнинг бажарилиши юзасидан миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ҳамда шартномавий кўмиталарига доимий равишда тақдим этиб борилади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш, халқаро майдонда мамлакат нуфузини янада мустахкамлашга хизмат қилаётганининг эркин далолатидир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш бериши қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб бормоқда.

Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини мустахкамлашнинг муҳим шартларидан биридир. Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш давлат фаолиятининг муайян шаклларида, жумладан, барча турдаги ва даражадаги таълим, малака ошириш тизимлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятида ифодланади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, шунингдек, Бош вазирнинг Таъбиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналари ташкил этилган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Конституция устуворлиги, қонун олдига тенглик, инсонпарварлик, адолатлик, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Судларда ишларни кўриб чиқишда очкилик ва шафқатлиликни таъминлаш учун «Электрон оид судлов» тизими жорий этилган. Аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими яратилган, фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар хизматини кўрсатувчи «Мадад» нодавлат-нотижорат

ташкilotи ҳар тарафлама қўллаб-қувватланмоқда.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари, фикр, сўз ва виждон эркинликларини таъминлашда жамият ҳамда давлат бошқарувидаги кенг қамровли туб ўзгаришлар катта аҳамиятга эга. Парламент ва жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари мустахкамланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг парламент олдидидаги масъулияти сезиларли даражада кучайтирилди. «Электрон парламент» ва «Электрон ҳуқуқ» тизими ривожлантирилмоқда, давлат хизматларининг турларини кенгайтириш, уларнинг имкониятларини, сифатини ва тезкорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Парламент, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, «Халқ қонунларининг том маънода ягона манбаи ва муаллифи ҳисобланади» ҳамда «Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида, жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади» тамойилларини амалга ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Олий Мажлис палаталари томонидан инсон ҳуқуқларининг ҳолати тўғрисидаги маърузалар, инсон ҳуқуқларини таъминлашда халқаро ва минтақавий механизмлар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича миллий ҳаракат режалари («Йўл хариталари»)ни тасдиқлаш амалиётининг йўлга қўйилиши қонун ижроотида муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари таълими соҳасидаги бутунжаҳон дасту-

рида фаол иштирок этмоқда. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси» ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қондаларини амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурининг ижроси юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ёшлар - келажагимиз», «Ёшлар - келажагимиз», «Беш ташаббус» каби 20 дан ортиқ давлат ижтимоий дастурлари ва концепциялари амалга оширилмоқда. БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида миллий мақсадларни рўйбга чиқариш, инсон тараққиёти бўйича юқори индексга эга бўлган интеллектуал салоҳият, саводхонлик, фуқароларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги бўйича энг тараққий этган давлатлар даражада таълим тизимини ривожлантириш концепцияси ҳаётга жорий этилмоқда. 11 йиллик мактаб таълими тизими қайта тикланди. Бугунги кунда давлат, нодавлат ва хорижий олий ўқув юрталарининг сони ортиб бормоқда.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, аёллар, катта ёшдагиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, оила институтини мустахкамлаш бўйича ишлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Оила институтини мустахкамлаш бўйича концепция

сига эришишга, ижтимоий соҳага инновацияларни кенг жорий этишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Таълим ва тарбия соҳасида 2025 йилга бориб, 3-7 ёшдаги болаларнинг 74,5 фоизини мактабга таълим билан қамраб олишни назарда тутувчи мактабга таълим тизимини ривожлантириш концепцияси ҳаётга жорий этилмоқда. 11 йиллик мактаб таълими тизими қайта тикланди. Бугунги кунда давлат, нодавлат ва хорижий олий ўқув юрталарининг сони ортиб бормоқда.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат мигрантлари, болалар, ёшлар, аёллар, катта ёшдагиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, оила институтини мустахкамлаш бўйича ишлар тубдан қайта кўриб чиқилди. Оила институтини мустахкамлаш бўйича концепция

қабул қилиниб, унинг мазмунини оилавий мождорларни ҳал этиш механизмлари, аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ўрин олди.

БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари» тўғрисидаги конвенция қондаларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг дастлабки миллий маърузасида мамлакатда қабул қилинган норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, статистик маълумотлар, инклюзив жамиятни яратиш, улар учун таълим ва тарбия тизимини барча таълим босқичларида янада такомиллаштириш, инсоннинг саломатлигини асраш, экология, қурилиш, транспорт, ижтимоий объектлардан фойдаланишларини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақидаги ва бошқа маълумотлар қамраб олинди.

Президентимиз Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбияга алоҳида урғу берилган. Бу борада мактабга таълим ва умумтаълим муассасаларида, академик лицей ва коллежларда, шунингдек, олий ўқув юрталарида «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари» ўқув курсларини жорий этиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази қошида инсон ҳуқуқлари бўйича риоя этиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Ушбу курслар БМТнинг бир қатор йиллик тузилмалари ҳамда ЕХХТ лойиҳалари мувофиқлаштирувчилари билан ҳамкорликда олиб борилаётган. Раҳбар кадрлар тингловчилар сифатида иштирок этиб, ўз малакаларини ошироқдалар.

Яқинда академик Акмал Саидов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитаси аъзоллигига сайланди.

Ўзбекистон вакилининг Марказий Осиё давлатлари орасида илк бор БМТнинг ушбу асосий органига аъзо бўлиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида эришилган самарали натижалар эътирофидир.

Ўзбекистон вакилининг ушбу нуфузли конвенция органига сайланиши мамлакатнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро тузилмалар билан конструктив ҳамкорлик қилиш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга содиқликни намойиш этиш, қарорлар қабул этиш, жараёнларида фаол иштирок этиш, шунингдек, бу борада илғор тажриба алмашиш имконини беради.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Тажриба ва амалиёт

# Болаларни

Ҳар бир бола - бир олам. У билан яқиндан гаплашсангиз, келажакда қандай касб эгаси бўлиши мумкинлигини тахмин қиласиз.

Бугунги кун болалари бир-бирдан ақлли, эзукко. Қизиқмаган соҳасининг ўзи йўқ. Ҳали қарасанг - шифокор бўлишни, ҳали қарасанг - ўқитувчи бўлишни хоҳлайди. Аммо касб танлови мушкул, шу билан бирга, масъулиятли жараён. Қайси-қилар болада бирор касбга тўғма қобилият бўлса, бошқасида шунчаки қизиқиш мавжуд. Яна бошқасида эса интилиш ва хоҳиш кучли, холос.

Шу боис боладаги тўғма лаёқатни ва имкониятларини ўрганиб, касб-хунарга тўғри йўналтириш ва улар томонидан касб-хунарни мустақил танлаш олишни ташкил этиш бугунги кун педагогларнинг зиммасидаги масъулиятли вазифалардан биридир.

Ҳозирги ўқув дастуридаги «Тарбия» фанига болаларни касбга қизиқтириш, тўғри касб танлаш бўйича мавзулар киритилган. Мавзулар ёрдамида 1-синфда ўқувчиларга касб-хунар ҳақида умумий малака ва кўникмалар берилди. Шунингдек, уларнинг инсоннинг меҳнат фаолияти ҳамда меҳнатнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги илк билимлари кенгайтирилди. Булар содда, тушунарли ва болани фикрлашга ўргатадиган билимлардир. 2-синфда бу билимлар озгина чуқурлашади, 3-4-синфларда эса янада кенгроқ маълумотлар ва тушунчалар бериб бориш зарур.

Машғулотларда «Мен кимман?» методик уйинидан фойдаланаман. Бунда ўқитувчи болаларга ҳар бир ўқувчи ўзи яхши билган ёки ота-онани танлаган касбини ифодалайдиган сўзларни ёзиб келишини топшириқ қилиб беради. Дарсда ўқувчи доскага чиқарилади ва у бирор касбга оид ҳаракатларни бажаради. Масалан, ошпаз касбини кўрсатиб бермоқчи бўлса, авва-

## КАСБЛАРГА ҚАНДАЙ ҚИЗИҚТИРИШ МУМКИН?

лига махсус халатини, бошига ошпазлар шапкасини кияди. Сўнг сабзавотларни олиб пустини артади ва тўғрайди. Кейин газ печи устига қозонни қўйиб, овқат пиширишни бошлайди. Бола ўз ҳаракатлари билан буларни кўрсатар экан, ўтирган ўқувчилар бу қайси касб эгаси эканини топширлари керак. Агар тополмаса, ўқувчи касбга оид сўзларни айтиди: «қозон», «ликопача», «овқат», «сабзавотлар», «ошхона» каби. Албатта, бундан кейин ўқувчилар «касб эгасини» осонгина топшириб олишади. Топагон ўқувчи доскага чиқарилиб, навбатдаги касб эгаси ҳаракатларини кўрсатишга киришади. Шу тарихда ўқувчилар ҳар хил касб эгалари бажарадиган юмушлар билан танишиб боришади. Ҳозир блогерлик, компьютер графикаси, савдо менежери, буюртма етказиб беришчи каби касблар анча ривожланди. Айрим аълочи болаларга бу касб эгаларининг бажарадиган ишлари ҳақида маълумот тўплаб келиш вазифасини топшириқ қилиб бериш мумкин. Шунда дарс янада қизиқарли кечади. 4-синфларда шундай мавзулар ўтилганида қайсидир ўқувчи касблар ҳақида топишмоқ, яна қимдир қросворд ва шerylлар тўплаб келиши ҳам мумкин.

Хар ҳафтанинг бир кунини ҳар бир синфда «Тарбиявий соат» дарси ўтилади. Шу дарсда ҳам айрим мавзулар ўқувчиларни касбларга қизиқтириш ҳақида бўлиши белгиланган. Мен ҳамкасбларимга бу дарсларда ўқувчиларни касбга қизиқтиришда, аввало, болага танлаган касбига ижодий муносабатда бўлишни, меҳнати билан атрофидаги кишиларга қувонч бағишлашни ва бундан ўзи ҳам роҳатланишни тушунишимиз керак, деб айтган бўлардим. Шу билан бирга, болаларни худудларда мавжуд қорхоналарга экскурсияларга ҳам олиб бориш мумкин. Шунда болалар касб эгаларини иш жараёнида кўриб, суҳбатлашиб, аввало, дунёқараши ўсади, қолаверса, касбга ҳурмати ва қизиқиши уйғонади. Бирор дарсда ўқувчиларнинг ота-оналари орасидан ёки бошқа касбда энг кўп муваффақият қозongan уч нафар инсонни меҳмонга чақиритиш мумкин. Уларнинг бири спортчи, бири компьютер бўйича мутахассис, яна бир икти-содчи ёки сийсатчи бўлиши мумкин. Улар навбат билан болаларга касбининг ўзига хосликларини, масъулиятли ва шарафли томонларини гапириб беради, болаларнинг касблар ҳақидаги тушунчалари анча кенгайди. Мен кўпинча ўқувчиларнинг ота-оналари орасидан шундай қаҳрамонларни дарсга таклиф қиламан. Бунда ўқувчиларнинг ўз ота-оналарини мактабда кўриши, биринчидан, уларнинг дарсга, таълимга янада жиддийроқ муносабатда бўлишига сабаб бўлса, иккинчидан, мактаб ва ота-она ҳамкорлигини янада кучайтиради.

Тарбиявий соатларда болалар эриш-ётган ютуқларини ҳам муҳокама қиламан. Чунки боланинг ютуқларини тенгдошлари орасида эътироф этсангиз,

бу унга жуда катта рағбат бўлади. Бола одатда ўзидаги бошқалардан ажралиб турадиган жиҳати билан ютуққа эришади. Бу жиҳат унинг келажак касби белгиси ҳам бўлиши мумкин. Шу боис боланинг ютуғини муҳокама қилиш, рағбатлантириш келгусида ўз касбини севган бир инсонни ривожлантириш вазифасини ҳам ўтатиш мумкин.

Ўқувчи 3-4 синфга ўтгач, «Менинг оғуздаги касб», «Мен 10 йилдан сўнг...» каби мавзуларда иншо ёки матн ёзиб келиш топшириғини бериш мумкин. Бу топшириқларни бажариш асосида бола ўзини таҳлил қилади, «Мен нимага қизиқман?» «Келажакда ким бўлсам экан?» деб ўйлайди, атрофдаги яқинлари, ота-онаси танлаган касблар унга ёкиши ёки ёқмаслиги ҳақида мулоҳаза қила бошлайди. Бу ҳам ўқувчининг инсон сифатида ўзини излашига, ёшлигидан бошлаб ўз қизиқишларини аниқлашга ва келгусида касбини «топиши»га ёрдам беради. Шу билан бирга, болаларга касб ва хунарнинг фарқини ҳам тушутириш, қайси соҳада ишлашдан қатъи назар, ёшлиқдан бирор хунарни ўрганишга чорлаш, айниқса, ёзги таътил бунинг учун яхши имконият эканини тушутириш керак.

Ўқувчининг ютуғи - жамият ютуғи. Шундай экан, болаларимиз келажакда ўз касбининг моҳир эгалари бўлиши учун ҳамжихатликда ҳаракат қилсак, келгусидаги натижамиз ҳам чиройли бўлади.

**Мадина ҚОРАБОЕВА,**  
Тошкент шаҳридаги 116-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси

**«ГАРАНТ БАНК» АКЦИЈДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЙИЛ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА АКЦИЈДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҲАҚИДА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

**Кун тартиби:**

1. Банк акциядорлари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
2. Банк акциядорлари умумий йиғилиши саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
3. Банк кузатув кенгашининг 2023 йил фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
4. Банк бошқаруви раисининг банкнинг 2023 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
5. Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ва банкнинг 2023 йилдаги тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
6. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш (янги таҳрирда) тўғрисида.

**Йиғилиш 2024 йил 28 июнь кунини соат 12:00да Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уйда ўтказилади.**

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2024 йил 24 июнь ҳолатига тузилди.

**Йиғилиш қатнашчилари 2024 йил 28 июнь кунини соат 11:00 дан 11:45 гача рўйхатга олинади.**

Акциядорлар умумий йиғилишида доир материаллар билан Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уйда жойлашган «Гарант банк» АЖнинг Бош офисида танишишлари мумкин. Электрон почта мазли: info.garantbank@uz, веб сайти: www.garantbank.uz.

Акциядорлар умумий йиғилишида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашиди, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

**Маълумот учун телефон: 71-256-41-55.**

**БАНК КЕНГАШИ**

**«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

Мулкнинг баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Sog'lom Avlod uchun» ҳуқуқматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондининг Сурхондарё вилояти ҳудудий филиалига тегишли бўлган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

2008 йилда ишлаб чиқарилган, 75/749 ХАА давлат рақамли, техник таъмирталаб ҳолатдаги «GBASPG DAMAS»русумли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси: 8 013 000 сўм.** Очик аукцион савдоси 2024 йил 7 июнь кунини соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадонда очик аукцион комиссияси иштирокида ўтказилади.

Юқоридаги мулк 2024 йил 7 июнь кунини аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо гоилиб белгиланган муддатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолашдан сўнг шартнома шартлари бажарилмаса, тақрирӣ аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтиши олдидан маълум қилинади.

Автотранспорт воситалари билан «Sog'lom Avlod uchun» ҳуқуқматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондининг Сурхондарё вилояти ҳудудий филиали ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдосига қатнашиш учун:**  
- **жисмоний шахслардан** - паспорт нусхаси;  
- **юридик шахслардан** - таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун закат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, закат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошлангичдан 2 (икки) соат олдидан тўхатилади. Талабгорлар «заказат пули тўғрисидаги келишувни имзолашдан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобрақамига (банк: ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали, МФО: 01063 СТИР: 303477661, х/р: 2020 8000 1005 1270 9001) тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини икки нусхадан топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

**Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Термиз шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадон. Телефон: +998 76 221-90-36. Гувохнома №903**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 04.04.2019 йилда сафдор Саидов Отабек Улуғбекович номига берилган №14977-сонли пенсиясиз гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси тармоқ қасаба уюшмасининг Учтепа тумани кенгаши бухгалтерии Гулнара Ҳормоновага турмуш ўртоғи **Маҳмуд ҲРМОНОВ** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «Инсон қадри учун» деган бош тамойил асосида улугвор ишлар амалга ошириляпти. Одамларнинг ҳаёти сифатини ва дарajasини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Буни кексага ёшга, аёлларга, болажонларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз.

# Бугунги ўзгаришлардан

## БЕҲАД ХУРСАНДМАН



Мирзоқодир Тўраев оғрини сураб

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллигига

**MYACCCIS:**

O'zbekiston kasaba uyushmalarini Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOILOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSEVYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERHATOV

**Bo'limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43  
Marketing va obuna - (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati - (+998-99) 080-93-38  
Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02  
Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70  
Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati - (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Navbatchi muharrir:**  
A. Haydarov

**Musahhirlar:**  
U. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:**  
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti - 23:50  
Toshkirlidi - 00:30

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzili:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

**Umumiy adadi 35 129 ta Shundan:**  
**7 394 nusxasi**  
«Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;  
**19 249 nusxasi**  
«Eruditi» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;  
**8 486 nusxasi**  
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosiladi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Buyurtma G-611

1 2 3 4 5 6

Бугунги ўзгаришларни эса таърифлашга тил ожиз. Барчаси шунчалик тезлашиб кетдики, санаб адоғига етолмайсан. Камбағалликни йўқотиш, ташқи алоқаларни ривожлантириш, жадидларни улуг'лаш, ёшлар масаласи, аҳолини уй билан таъминлаш, янги шаҳарлар қурилиши, маҳалла тизимини янги босқичга олиб чиқиш, умуман олганда, эл фаровонлиги учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Халққа бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Амалдорлар халқ орасига кирди, уларнинг дарду хасратини тинглаб, қувончига шерик бўлмоқда. Бунинг ўзи бўлмайди, албатта. Бу жуда катта иш, жуда катта ташаббус. Ҳа, мамлакат Учинчи Ренессансга қадам қўйди. Том маънодаги Янги Ўзбекистон барпо бўляпти.

Шу ўринда бундай эзгу амалларни рўёбга чиқаришда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътироф этишим жоиз. Ишчи-ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, иш ўринлари яратиш, «Аёллар дафтари» тизими ва умуман, халқимиз эҳтиёжи учун неки хайри иш бўлса, барчасига ташаббус кўрсатиб, бош-қош бўляпти. Айниқса, нурунийларга қаратаётган эътиборни алоҳида таъкидлашим лозим. Бундан бошимиз осмонга етмоқда. Биргина

сўз билан айтсам, бугун касаба уюшмалари бутунлай бошқа, янги эл ҳизматидаги халқ ташкилотига айланган. Келгуси йилда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги нишонлини эшитиб беҳад шодландим. Шу кунларга етказганига Яратганга шукрона келтирдим. Дилим яйради. 120 йил! Бу ҳазилакам давр эмас. Ўзим соҳага бегона бўлмаганим, касаба уюшмалари ривожига озми-кўп ҳисса синггани, яъни тизимдаги узок йиллик фаолиятим қўлимга қалам олишга ундади. Бу ҳақда қисқача сўз юритсам.

Фаолиятимни ўтган асрнинг 50-йилларида ўқитувчилардан бошлаб, узок йиллар давлат ва жамоат ташкилотларида, хусусан, меҳнат ва ижтимоий масалалар, халқ ҳўжалиги тизимларида раҳбарлик лавозимларида ишладим. Вазири сифатида олий таълим муассасаларининг халқро алоқаларини ривожлантиришда бор салоҳиятимни ишга солидим.

Шунингдек, илмий фаолият билан ҳам шуғулланиб, иқтисод фанлари доктори, профессор бўлдим. Илмий монографияларим чоп этилди. Фан докторлари ва номзодларига илмий раҳбарлик қилдим. Депутат сифатида эса, жамоат ишларида ташаббус кўрсатишга интилдим. Шогирдларим кўп. Бугун улар иқтисодиётнинг турли тармақларида мамлакатимиз раънақи йўлида меҳнат қилишляпти.



Тармоқ касаба уюшмалари фаолиятини илмий асосда ташкил қилиш, иш жойларида меҳнат муҳофазаси қондаларига қатъий риоя этилишига кўмаклашиш, энг аввало, ходимлар муаммоларини ҳал этишни дастуриламал билдим. Натижада меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш сифат жиҳатидан ўсди, тизимда янги санаторийлар, болаларни соғломлаштириш оромоғлари барпо этилди. Бир катор шаҳарларимизда туристик меҳмонхоналар қурилди.

Айни кунларга келиб эса, касаба уюшмалари иши, юқорида таъкидлаганимдек, янги ўзанга бурилган.

Мамлакатимиз раънақи йўлида меҳнат қилишляпти.

Тармоқ касаба уюшмалари фаолиятини илмий асосда ташкил қилиш, иш жойларида меҳнат муҳофазаси қондаларига қатъий риоя этилишига кўмаклашиш, энг аввало, ходимлар муаммоларини ҳал этишни дастуриламал билдим. Натижада меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш сифат жиҳатидан ўсди, тизимда янги санаторийлар, болаларни соғломлаштириш оромоғлари барпо этилди. Бир катор шаҳарларимизда туристик меҳмонхоналар қурилди.

Жарас Ганиев - Қорақалпоғистон ногиронлар ассоциацияси раиси ўринбосари. Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб деганларидек, у кишида оёқ таянч ҳаракатида муаммо бўлгани боис ногиронлиги бор бошқа инсонларнинг дардини яхши билади.

У фаолият юритаётган Қорақалпоғистон ногиронлар ассоциациясига 24 та ташкилот аъзо. Улар орасида Кўзи ожизлар жамияти, Чернобилчилар ассоциацияси, Ветеран жангчилар бирлашмаси, махсус олимпиадачилар (аклий жиҳатдан ногиронлиги бўлганлар), паралимпиячилар каби бирлашма ва жамиятлар бор. Ассоциация ўз аъзоларининг талаб ва истакларини ҳамда ҳуқуқларини давлат ва нодавлат ташкилотларида ҳимоя қилади.

Хозир Қорақалпоғистонда ногиронлиги бор фуқароларни энг кўп қийнаётган масала - ишсизлик. Дейлик, корхонада 20 нафар ишчи ўрни бўлса, уларнинг иккитаси ногиронлиги бўлган фуқароларга ажратилиши керак. Ассоциация ходимлари ҳар бир тарғибот тадбирида, жойлардаги учрашуларда бу ҳақда тушунтиришлар олиб бормоқда. Хатто табиийки, кўпчилик

нидан яхши хабардор. Мазкур ҳужжатларда ногиронлиги бор шахсларни ишга қабул қилишда тадбиркорларга бир қатор қулайлик ва имтиёзлар берилиши назарда тутилган. Шундай бўлса-да, иш берувчилар бу масалага парда ортидан қарашмоқда. Хозирги кунда Қорақалпоғистонда яшаётган 66 мингдан ортиқ ногиронлиги бор фуқаронинг атиги 2 минг нафари иш билан таъминланган, холос.

Ассоциация ходимлари ногиронларни иш билан таъминлаш борасида тушунтириш олиб борган ҳар 10 та ташкилотдан иккитасигина уларнинг тақлифини яхши қабул қилмоқда. Қолганлари масалага жиддий ёндашмаяпти. Масалан, Нукусдаги спортга ихтисослашган мактаб раҳбарияти юқоридаги қарорлар мазмунини тўғри тушунган ҳолда, «Имконияти чекланган фуқаролар учун икита штатим бор, одам юборинг, ишга оламиз» деб, ассоциацияга тақлиф билан чиқди. Натижада талабгорлар ишга кирди. Яна бир дурадгорлик қорхонаси ва тикувчилик цехи ҳам ишга ҳолос оломқчи бўлди. Аммо талабгорлар орасида улар сўраган йўналишда ишлаб кетадиган дурадгор ҳам, тикувчи ҳам топилмади.



Кўпчилик ногиронлиги бор фуқароларнинг қўлида мономарказда шу йўналишда хунар ўргангани ҳақида сертификати бўлса-да, негадир ишлаб кетадиган тайёр ходим бўлиб чиқишмаяпти, - дейди Жарас Ганиев. - «Ишга оламиз», ўзлари ўргатиб туришса, ўрганиб оламиз», дейишади. Албатта, мономарказда ўқиганлар орасида хунарни яхши ўрганадиганлари ҳам бор, аммо улар жуда кам. Ногиронлиги бор фуқаролар мономарказда ўқиб, хунар ўрганганига қарамадан, тайёр ходим бўлиб чиқмаётгани ҳам, уларнинг ишга жойлаштиришга тўсиқ бўлмоқда.

Масалан, ўзимизнинг ташкилотга ҳам компьютер бўйича мутахассис кидирдик, - дейди Жарас ака. - Ногиронлиги бор бир неча номзод келди, қўлида ўқигани ҳақида сертификати ҳам бор. Аммо компьютерда ишлашни яхши билмайди. Охири,

майли иш жараёнида ўрганиб кетар, деган умидда бир талабгорни ишга олди. Аммо хозиргача имло масаласида унга тўлиқ ишонолганимиз йўқ. Берилган матний кўп хатolikлар билан ёзади. Эҳтимол, ташкилотлар ҳам шу каби томонларини ўйлаб, тайёр ходимни ишга олишни исташар. Демак, касб-хунар ўргатиш сифатини оширишимиз зарур.

Ногиронлар ассоциацияси ўтган йилдан буён қуриб битказилган бино ва иншоотларнинг ногиронлар ва кексалар учун қанчалик қулайлигига баҳо бермоқда. Ассоциация вакиллари томонидан сўнги бир йилда 200 та янги қурилган объект қўриб чиқилган. Ушбу объектларда ногиронлар учун қулайликлар яратилмаган. 30 фоизидигина белгиланган талабларнинг 50 фоизи бажарилган. Шу боис комиссия кўп ҳолларда қурилиш раҳбарлари ва лойихачиларига мавжуд камчиликларни айтиб, ногиронлар учун керакли инфратузилмани яратишни талаб қилляпти. Баъзилари тўғри тушуниб, камчиликларни белгиланган талаб бўйича тўзатиляпти. Аммо «Сизлар бизнинг ишимизни ортага суряпсизлар, бизни овера қиляпсизлар» деган тадбиркорлар ҳам бор.

Бино ва иншоотларда энг муҳим масалалардан бири пандуслардир. Уларнинг қиялиги даражаси шундай бўлиши керакки, аравачадаги одам бировнинг ёрдамисиз улардан мустакил чиқиб, бино ичига кириши ёки чиқиши лозим. Агар пандус қиялиги белгиланган меъёрдан озгина ошиб кетса ҳам, аравачани биров итариб юргизишига тўғри келади. Қолаверса, қиялиги баланд пандусларда юриш хавфли бўлиб, аравача ағанаб кетиш эҳтимоли юқори бўлади. Яна энг кўп учрайдиган хатолардан бири шуки, пандусларнинг юзлари кафелдан қилинади. Бу мумкин эмас, чунки кафелда аравача тояди. Шу боис ассоциация ходимлари бундай ҳолатларда қурилиш ташкилоти раҳбарларига юргимиздаги ҳар бир бино на-

**Президентимизнинг 2023 йил 27 февралдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 22 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда оғиронлар учун қулайликлар яратилмаган, 30 фоизидигина белгиланган талабларнинг 50 фоизи бажарилган. Шу боис комиссия кўп ҳолларда қурилиш раҳбарлари ва лойихачиларига мавжуд камчиликларни айтиб, ногиронлар учун керакли инфратузилмани яратишни талаб қилляпти. Баъзилари тўғри тушуниб, камчиликларни белгиланган талаб бўйича тўзатиляпти. Аммо «Сизлар бизнинг ишимизни ортага суряпсизлар, бизни овера қиляпсизлар» деган тадбиркорлар ҳам бор.**

фақат соғлом одам учун, балки бошқаларга ҳам қўлайлиги бўлиши зарурлигини уқтиряпти.

Нукус шаҳрининг ўзида 2000 нафар махсус аравачада ҳаракатланадиган одам бор. Аммо инфратузилма ноқулайлиги боис улар кўчага чиқолмайди, ишга бормайди. Агар автобусларда ногиронлар аравачаси чиқиши учун махсус пандуслар, заиф эшитувчилар учун сигналли белгилар, кўриш қобилиятини йўқотганлар учун махсус йўлаклар бўлганида, улар ҳаётда анча фаол бўлиб, ўзларини эллаб яшашлари мумкин эди.

Ж.Ганиев қар ва заиф эшитувчилар учун адабиётлар етишмаслиги муаммосини яхшилаш мақсадида яқинда «Имо-ишора тили предмети» деб номланган китоб тайёрланиб, ҳомиилар кўмагида чоп этилганини айтиди. Бундан ташқари, кўришида муаммоси борлар учун аудитоблар етарли бўлмоқда. Аммо бошқа муаммо мавжуд. Аудиокитобни ўқиётган одам кейинги сафар тегишли бетдан давом этириб кетишни истаганда, керакли боб ва бетни топишда қийналади. Янаям аниқроғи, тегишли жойдан давом этириш учун яна бошидан аудиония эшитиб чиқишига тўғри келади. Бу жуда мураккаб ва кўп вақт талаб қилади. Ассоциация вакиллари эса бу муаммони бартафат этиш учун изланиш олиб бориши ва махсус илова тайёрлашмоқда. Эндиликда бу илова аудитобитобни ўқиётган ўқувчи керакли бет ва бобни топишни осонлаштиряпти.

Хуллас, Жарас Ганиев ва унинг жамоасининг меҳнатлари зое кетмайляпти. Ҳаракатлар, тушунтиришлар иш бермоқда. Соҳада, оз бўлса-да, қувонарли янгиликлар бўляпти. Одамларнинг фикри, дунёқарашини ўзгартияпти.

Аммо муҳим ўзгаришлар, янгиликлар олинди. Уларнинг амалга ошишини ногиронлиги бор инсонлар интизорлик билан кутишмоқда.

**Зебо НАМОЗОВА**  
«ISHONCH»